

“Илмий мақола ёзиш ва нуфузли журналларда чоп этиш бўйича маслаҳатлар: Scopus ва WoS” мавзусидаги онлайн вебинар



“Илмий мақола ёзиш ва нуфузли журналларда чоп этиш бўйича маслаҳатлар: Scopus ва WoS” мавзусидаги онлайн вебинар

2020 йил 29 августъ.

Тошкент, Ўзбекистон.

Берлин, Германия.

Мавзу: “Илмий мақола ёзиш ва нуфузли журналларда чоп этиш бўйича маслаҳатлар: Scopus ва WoS” мавзусидаги онлайн вебинар

Ташкилотчилар:

- Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси,
- Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги;
- Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси;
- Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти;
- Германиянинг Лейбниц Қишлоқ хўжалиги ландшафтларини ўрганиш тадқиқот маркази (ЗАЛФ)Германия;
- SMART ИнноТех консалтинг компанияси

Иштирокчилар: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти профессор-ўқитувчилари, докторантлари, магистрантлари ҳамда турдош олий таълими муассасалари тадқиқотчилари.

Мазкур вебинардан кўзланган мақсад: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустақам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Муҳтарам Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрда ПФ-5847-сон ФАРМОНИ қабул қилинган. Фармонда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унда олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш белгиланган. Шунингдек, республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш; ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш; меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистонда олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи “хаб”га айлантириш мақсад қилинган.

Илмий тадқиқотларда **“Университет 3.0”** концепциясини босқичма-босқич жорий этиш, юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошириш, республика илмий журналларини халқаро илмий-техник

маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш каби вазифалар қўйилган. Бу ишларни амалга оширишда хорижда яшаб, фаолият кўрсатаётган ватандошлар билан алоқа ўрнатган холда олий таълим муассасаларининг ўқув ва илмий фаолиятларида яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда. Бу борада республикада кўплаб ОТМлар кенг ҳамкорликни йўлга қўйиб келишмоқда. Республика олий таълим кенгаши “Эл-юрт – умиди” жамғармаси билан ҳамкорликда АҚШ, Англия, Европа мамлакатлари, Япония, Австралия каби давлатларда фаолият юритаётган ватандошларимиз билан таълим, илмий фаолиятга доир профессор-ўқитувчиларимиз, докторантларимизга зарур бўлган мазмунли ушрашувларни ташкил этиб келмоқда. Уларда ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, тадқиқот натижаларини оммалаштириш, жумладан хорижий журналлар талаблари асосида илмий мақолаларни тайёрлаш ва нашр қилишларга доир маълумотларга эга бўлинмоқда.

Халқаро миқёсда тан олинган илмий журналларда Республика олий таълим муассасалари олимлари томонидан чоп этилган илмий ишлари сони кескин ошди. Агар 2018 йилда нуфузли илмий журналларда атиги 276 мақола нашр этилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 3,3 бараварга ошган, яъни 965 та мақола, 2020 йилда эса факатгина 6 ой ичида 1760 тадан ортиқ мақола чоп этилди, ва 2018 йилда чоп этилган мақолалар сонига нисбатан 7 марта ошган. Бу натижага энг катта ҳисса қўшган олий таълим муассасалари ичида Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд давлат университети ва Тошкент тиббиёт академиясини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон олимлари, тадқиқотчилари, талабалар Вазирлик ва Elsevier компания орасидаги келишув асосида дунёда тан олинган SCOPUS ва ScienceDirect халқаро энг замонавий илмий техника маълумотлар ва таҳлилий тизимларни имкониятлари билан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Бир йил ичида Elsevier компанияси Digital Commons (Bepress) базасида double-blind peer review конфигурациясини қўллаб, 41 илмий журнални бирлаштириб, «Uzbekistan Research Online» ноёб рақамли платформа яратилди. 2020 йилда платформадаги журналлардан 62 300 илмий мақолаларнинг матнли файллар 106 та мамлакатнинг ташкилотлари томонидан тўлиқ юклаб олинди. Платформа базасидаги илмий мақолаларнинг умумий сони 4733 тага етди. Илк бор QS (Quacquarelli Symonds World University Rankings) халқаро рейтингида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 301—350-ўринни, THE (Times Higher Education) халқаро Импакт-рейтинги рўйхатида Ўзбекистон Миллий университети 601, ва шу рейтингни соа йўналиши бўйича Тошкент тиббиёт академияси 301—400, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 201-ўринни эгаллади.

Бугунги вебинарда асосий спикерлик қилувчи - Германия Федерал ҳукуматининг Амалий ва гуманитар фанлар бўйича экспертлар кенгаши аъзоси, Германиянинг Лейбниц Қишлоқ хўжалиги ландшафтларини ўрганиш тадқиқот маркази (ЗЛФ) илмий ходими Дилфуза Эгамбердиева ҳам ёш ватандош олимларимизлардан ҳисобланади. Бугун уларнинг иштирокида тадқиқотчилар ва докторантларимиз билан **“Илмий мақола ёзиш ва нуфузли журналларда чоп этиш бўйича”** тажрибалар алмашилди. Мамлакат тараққиёти илм-фан тараққиёти билан узвий боғлиқ равишда кечадиган жараён саналади. Ушбу икки тушунчани бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу уйғунлик илм оламининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, қобилиятли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш орқали янада ёрқин намоён бўлиб, албатта, кутилган натижаларни беради.